



Ким Аллоҳга бирон нарсани шерик қилиб (ширк келтириб) ўлса, жаҳаннамга киради

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сўз айтдилар. Мен ҳам бошқачароқ сўз айтаман. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳга бирон нарсани шерик қилиб (ширк келтириб) ўлса, жаҳаннамга киради», дедилар. Мен (Абдуллоҳ ибн Масъуд) айтаман-ки: «Ким Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмай (ширк келтирмай) ўлса, жаннатга киради».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ким Аллоҳга қилиниши керак бўлган дуо, паноҳ сўраш каби нарсаларни бошқа бирортага сарфлаб вафот этса, дўзах аҳлидан бўлишини хабар бердилар. Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ким Аллоҳга ширк келтирмай ўлса, борар жойи жаннат эканини қўшиб қўйдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3419>

